

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Ш.Ш.ОЛИМОВ**

**МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ТАРБИЯ АСОСЛАРИ**

*(МОНОГРАФИЯ)*

**ТОШКЕНТ – 2015**

**УЎК: 37.035**  
**КБК 87.60**  
**О-51**

**О-51 Ш.Ш.Олимов. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. (Монография). –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 228 бет.**

**ISBN 978–9943–983–12–0**

Ушбу монография мамлакатда ҳуқуқий демократик давлатни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги, унинг баркамол авлод тарбияси тизимида тутган ўрни, тарихий илдизлари, қадимги Шарқ маънавий-ахлоқий тарбия тараққиёти, касб-хунар коллежларида маънавий-ахлоқий тарбия мазмуни, мақсади, вазифалари, илмий педагогик асослари ва уни такомиллаштириш йўллари ёритилган. Шунингдек, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таркиб топтиришнинг педагогик технологиялари, йўналишлари, аудиториядан ташқари таълим-тарбия ишларининг шакллари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Монография Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий тарбияни шаклланиши ва ривожланиши билан қизиқувчи илмий ходимлар, таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 37.035**  
**КБК 87.60**

**Масъул муҳаррир:**

**Б.Қ. Хўжаев** – педагогика фанлари номзоди, доцент

**Такризчилар:**

**Б.Р. Адизов** – педагогика фанлари доктори, профессор;

**Қ.Т. Олимов** – педагогика фанлари доктори, профессор

*Монография Бухоро муҳандислик-технология институти илмий Кенгашининг 2014 йил 27 декабрдаги 3-сонли қарорига асосан чоп этилди.*

**ISBN 978–9943–983–12–0**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

*Биринчи тарбиячим - отам,  
марҳум Шароф бобонинг руҳи  
покларига бағишлайман!*

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 18 январ 2012 йилдаги мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусида қилган маърузасида таъкидланганидек, «Одамларнинг ўзига ўзи баҳо бериши, ўзини муайян гуруҳга мансублигини англаши уларнинг турмуш даражаси ва сифатнинг умумий ҳамда яқуний индикатори ҳисобланади». Шунга кўра «Аҳолимизнинг тинч-омон ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ва позициясини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз олдимизга қўяётган мақсадлар миқёси ва кўламига кўра, халқимизнинг эзгу орзу – умидлари билан ҳамоҳангдир [2, 3].

Бу ҳамоҳанглик мамлакатда ҳуқуқий демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини ривожлантиришга қаратилган. Бунинг учун жамиятимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни ўрнатиш, қонун устуворлиги заминида кучли тартиб интизомни вужудга келтириш, ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ – ҳуқуқларини таъминлаш, эркинлик, тadbиркорлик, ишбилармонлик ва ташаббускорлик асосида фаровон ҳаёт яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда оила, жамият, давлат олдидаги бурчи, масъулиятини англаб етадиган, ҳар томонлама камол топган, Ватаним деб, элим деб ёниб яшайдиган ва меҳнат қиладиган маънавий-ахлоқий салоҳияти юксак инсонларни тарбиялаш яхлитлигини амалга ошириш зарур. Зеро, башариятнинг даврлар тўлқинидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, ундаги инсонларнинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги асосида қурилганлигини эътироф этиш жоиздир.

Албатта бу ғоялар, мамлакатда демократик ислохотларни янада ривожлантириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш маънавий-ахлоқий тарбияни янада юксалтиришни тақозо этади.

Маънавий-ахлоқий баркамоллик - бу жамият томонидан қўйилаётган муҳим талабдир. Шунини эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида маънавий-ахлоқий тарбия асоси Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари», «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» каби асарларида кўтарилган ғоялар, ўтмиш аждодларимиз Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом Исмоил Бухорий, Муҳаммад ибн Исо ат Термизий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний каби донишмандларнинг маънавият, маданият, ахлоқ тўғрисидаги фикр дурдоналарида мужассамлашган. Шу боис маънавий-ахлоқий тарбиянинг пойдевори мустаҳкам, мазмуни терандир. Шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбиянинг пишиқ илдизларини бундан қарийб 300 минг йил олдин яратилган «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойиллари халқнинг бой урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, муқаддас Ислом динимиздаги каломлар ташкил этади. Шу боис «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг» «Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» бўлимидаги 4-бандда «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий-педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади» - деб бежиз таъкидланмаган [14, 55].

Бинобарин, мустақиллик туфайли мамлакатимизда миллий маънавий меросимиз, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгор-

ликлар қайта тикланди ва тикланмоқда. Бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнлар, Республика Президенти И.А.Каримов ва ҳукуматимизнинг маънавий-ахлоқий салоҳиятни тушуниш, англашга қаратаётган эътиборлари, аввало, мамлакатнинг равнақи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт миллат тотувлиги ва турли халқларнинг дўст, тинч-тотув яшаши учун муҳим омилдир. Шундай экан, биз энг аввало, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган, яъни ўзлигимизни англайдиган маънавий-ахлоқий тарбияни таркиб топтиришимиз лозим. Чунки, ўзлигини англаган инсонларгина кучли давлат, эркин жамият барпо этишга қодирдир. Фалсафа фанлари доктори, профессор Э.Юсупов таъкидлаганидек, «Инсон ҳаёт тажрибаси, фаолияти, билими, илми, одоб-ахлоқи, хатти-ҳаракати билан маънавий оламини бойитиб боради. Ақлан ва ахлоқан бойиб борган сари ўз олдига ажойиб вазифаларни қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилади. Ҳаракат эса маънавий заминни талаб қилади. Маънавий камолот жараёнида инсон характери тобланади» [65, 5].

Шундай экан, энг аввало ёш авлоднинг маданиятини, маънавий-ахлоқий салоҳиятини кўтармоқ, миллий мафкурасини уйғотмоқ зарур. Зеро, ўзини англаган, миллат маънавиятини тушунган инсонгина халқини, миллатини, Ватанини, оиласини танийди. Халқ ва миллат олдидаги бурчни, масъулиятини, мажбуриятини англайди. Инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамол бўлиши халқ, давлат, жамият маънавиятига асос бўлади. Шундай экан, ёшларга чуқур назарий ва амалий билимлар, касбий малака, кўникмалар ҳосил қилиш, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалари ва муаммоларига тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш, Ватанни севиш, аждодлари яратган бебаҳо маънавий жавоҳирларни имкон қадар эгаллаш, уларни асраб-авайлаш ва бойитиш, мамлакатимиз келажагини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бугунги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги маънавий, ақлий билимлардан фойдаланиб воқеликда фаол иштирок этиш руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларда ҳам ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи-ёшларда илмий дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий салоҳият, иқтисодий, ҳуқуқий ва

ижодий тафаккурни, ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш каби талабларни таъминлаш лозимлиги алоҳида уқтирилган. Маънавий-ахлоқий дунёқараши шаклланган ўқувчи-ёшларда маънавий-ахлоқий билим, маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу, маънавий-ахлоқий идрок фазилатларни тушуниш даражалари ривожланган бўлади. Маънавий идрок, ахлоқий ирода, хатти-ҳаракат ва малакалар бир-бирини тўлдириб, ўқувчининг шахсий ҳаёти, фаолиятида ўз ифодасини намойиш этади. Маънавий-ахлоқий баркамоллик талаба-ёшларда мустақил эътиқод, дунёқараш ва мақсадга эга бўлиш, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлигини таъминлаш, шахсий манфаатни жамият манфаати билан уйғун кўриш йўналишларида мустаҳкамланади. Демак, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчиларида тадқиқотимизнинг кўрсатишича муайян даражада маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий-ахлоқий фазилат, маънавий-ахлоқий фаолият, маънавий-ахлоқий муносабат, маънавий-ахлоқий ҳаракатлар яхлит ҳолатда камол топади ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда жамият маънавиятини мустаҳкамлаш учун асос бўлади.

Шу боис, ушбу монографияда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ёритилади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маънавий-ахлоқий тарбия алоқадорлиги, яхлитлиги, баркамол авлод тарбияси тизимида маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўрни, қадимги Шарқ тамаддунларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг тараққиёти, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари маънавий-ахлоқий тарбияси мазмуни, вазифалари, методлари ва унга педагогик раҳбарлик, ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунидаги маънавий-ахлоқий тарбия каби масалалар илмий-назарий ва методологик жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, монографияда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси йўналишлари, мазкур жараённинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, тарбиялаш технологиялари баён этилган. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш йўллари, тарихий ва меъморий ёдгорликлар воситасида ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий дунёқарашларини шакллантириш, шунингдек, меҳнат фахрийлари, фан арбоблари, ишлаб чиқариш

илғорлари, санъат ва маданият намоёндалари билан учрашувлар, суҳбатлар, кечалар ўтказиш монографияда кенг ёритилган.

Дарҳақиқат, педагогик шарт-шароит ва раҳбарлик асосида ўқувчи шахсига ички ва ташқи таъсир кўрсатиш, унинг ижтимоий моҳияти, фаолиятининг тузилиши (ҳаракат, эҳтиёж, қизиқиш, мотивлари, йўналганлиги), ўз-ўзини англаш фаолиятини йўлга қўйиш орқали касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш муҳим ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади.

Монографиядаги илмий-назарий ва методологик йўналишлар, услубий тавсия ва кўрсатмалар педагогика назарияси ва амалиётини бойитиш билан бирга, ушбу фандан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, талабалар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчилар ундан илмий йўналиш олишлари учун фойдаланишлари мумкин.

---

---

## **I боб. ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ – ҲОЗИРГИ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЛАБИ**

### **1.1 Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маънавий-ахлоқий тарбия**

XX аср охири ва XXI асрнинг дастлабки 22 йиллик даврида Ўзбекистон Республикаси мазмунан ва моҳиятан янгича иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий қиёфа касб этиб, тамомила жамият, янги турмуш, янги ҳаёт қуришга кадам қўйди ва мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ғояси ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётнинг устувор йўналишига айланди. Халқимиз тарихан қисқа давр ичида сиёсий-иқтисодий қарамлик ва мутелик асоратидан қутулиб, ўзлигини англаган, дунёқараши кенг, онги теран, тафаккури ва тасаввурида эркинлик, мустақиллик, демократия, ижтимоий адолат кўпириб турган халқлар сирасига қўшилди. Аждодларимизнинг узоқ асрлар мобайнида яратган ғоят улкан ва бебаҳо маънавий ҳамда тарихий-маданий меросидан кенг фойдаланиш имкониятлари вужудга келди. Қадриятларимиз тикланди, бу маънавий бойлик ва илмий таълимотдан баҳраманд бўлган халқимиз, ўз йўлбошчиси И.А.Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маданий-сиёсий ҳаётнинг ҳеч бир халқниқига, ҳеч бир миллатниқига, ҳеч бир давлатниқига ўхшамаган, янги олий мақсад – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга йўналтирилган, бутун жаҳон тан олган, «Ўзбек модели» деб ном олиб, беш тамойилга асосланган жамиятни қуриш йўлидан ишонч билан олға интилмоқда.

Бу вазифа эса бугун ҳар доимдагидан ҳам кўпроқ халқимизнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг истиқболи маданий-интеллектуал қиёфаси, илмий дунёқараши, жисмоний баркамоллигини таъминлайдиган маънавий-ахлоқий таълимот билан бойитилган ўқув-тарбиявий ишларимизни кучайтиришимиз, улар мазмунини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омиллари билан бойитишимизга даъват этмоқда. Зеро, маънавий-ахлоқий салоҳияти



юксалган инсон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт қонунларини тўғри англай олади, жаҳон цивилизациясида қадриятларидан ўз миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда баҳраманд бўла олади, ўз озодлиги, ўз эрки, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун кураша олади. Шунингдек, бундай инсон, бундай халқ келажак ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўз билими, ўз кучи, ўз садоқатини аямасдан ҳуқуқий адолатли давлатни куриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни ўзининг инсоний бурчи, ўз масъулияти, ўз тақдири деб билади ва фаолиятини шунга йўналтиради.

Инсоният тарихий тажрибаси ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жамият ҳаётидаги, инсонлар фаолиятидаги ғоявий, маданий, маърифий, мафкуравий, диний қарашлар билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис давлат, жамиятнинг талаблари, эҳтиёжлари, шу давлат, шу жамият халқларининг руҳияти, маънавий-ахлоқий фаолияти билан уйғун бўлса, у жамият, у халқ, у миллат камолотга етади. Шунинг учун Республика Президенти И.А.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамият маънавиятини, инсонларнинг маънавий-ахлоқий салоҳиятини инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати, бахт - саодати, битмас-туганмас бойлиги деб билиб, шундай ёзган эди: «Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» [5, 19].

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида бирор мамлакат, бирор халқ ўз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, маърифий ривожини инсонлар онги ва қалбида, маънавий-ахлоқий фазилатларнинг юксалишисиз тасаввур қила олмаган. Юксак маънавият ва ахлоқий баркамоллик ҳар қандай халқ, ҳар қандай давлат ривожининг бош мезони бўлиб хизмат қилган. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан тараққий этмаган халқ, мамлакат истиқболга эриша олмаган, таназзулга учраган. Маънавий заифлик, ахлоқий ноетук жамиятни, миллатни ҳалокатга олиб келган ва мамлакатни хавф остига солган. Чунки «Ҳар бир жамиятнинг маънавияти, инсон камолотининг у ёки бу босқичига хос бўлган иймон ва эътиқоди, ахлоқ-одоби, тажриба ва малакасини ўз ичига олади ва кишиларнинг фаолияти, қобилияти юриш-туришида намоён бўлади. Кишиларнинг маънавий фазилат-

лари, дунёқараши, мафкуравий эътиқоди билан боғланиб муайян тартибга тушади ва уларнинг бевосита таъсири натижасида жамият олдидаги вазифаларни англашга ёрдам беради» [65, 6].

Халқ маънавий-ахлоқий маданиятини юксалтириб бориш мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, «инсон ақлан, ахлоқан такомиллашиб, фан ва техника ютуқларини, жамият тараққиёти тажрибаларини ўрганиб, ўзлаштириб боргани сари маънавий омилларининг жамият ҳаётига бўлган таъсири тобора ортиб бораверади. Натижада, жамият тараққиётини инсон онгли равишда бошқаради», дейди фалсафа фанлари доктори, академик Э.Юсупов [65, 8].

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқлиги, алоқадорлиги масаласи кўҳна тарихий ёдгорликларда (халқ оғзаки ижоди, «Авесто», «Қуръони карим») да, ўтмиш аجدодларимизнинг фалсафий, бадий асарларида, Уйғониш даври, жадид тарбияшуносларининг таълимотларида, Республика Президентининг рисоаларида, ўзбек файласуфлари, социологлари, педагоглари китобларида тўлақонли ифодаланиб, баркамол авлодни маънавий-ахлоқий камолга етказишда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омилларини инобатга олиш, айти пайтда жамиятни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришда баркамол ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан вояга етказиш зарурлиги тўғрисида қимматли фикрлар баён этилган. Жумладан, Республика Президенти таъкидлаганидек, «...бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи (таъкид бизники-О.Ш.) амалга оширилаётган режаларимизнинг самараси тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин» [12, 5].



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/869> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/869> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/869>